ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД
БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ

ANDIJAN STATE
UNIVERSITY NAMED
AFTER ZAKHIRIDDIN
MUKHAMMAD BABUR

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА

Серия: Гуманитар тадқиқотлар

SCIENTIFIC BULLETIN

Series: Humanitarian Studies

2021 / №1 (53)

Андижон
2021 йил

Муассис:

Zahiriddin Muhammad
Bobur nomidagi
Andijon davlat universiteti

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА.
Серия: Гуманитар тадқиқотлар

Журнал бир йилда 8 марта
(серия 2 марта) чоп этилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва Оммавий коммуникациялар
агентлиги томонидан 2020 йил 17 августда 1097 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси: 344

Нашр учун масъул:
Д.Неъматова

Журнал фалсафа, тарих, филология, педагогика, кимё ва биология фанлари бўйича Олий Аттестация комиссиясининг диссертациялар натижалари юзасидан илмий мақолалар эълон қилиниши лозим бўлган нашрлар рўйхатига киритилган.

Босишга рухсат этилди: 23.03.2021.
Қоғоз бичими: 60x84 $^{1}/_{8}$.
Босма табоғи: 13,5.
Офсет босма. Офсет қоғози.
Адади: 110 дона.
Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма №:21

«Ҳаёт нашри - 2020» нашриёти
матбаа бўлимида чоп этилди.
Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129

Таҳририят манзили:
170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129.
Телефон: +998911602043. Факс: (374) 223-88-30
E-mail: adu_xabarnoma@mail.ru
Расмий сайт: www.ilmiyxabarnoma.uz

Таҳрир ҳайъати раиси:
Расулов Бахтиёр Махмуджонович – тарих фанлари доктори
(Андижон, Ўзбекистон)

Фалсафа
Саифназаров Исмоил Саифназарович – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Иззетова Эмине Мустафаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Маҳмудова Гули Тилабовна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Юлдашева Фарида Хужамқуловна – фалсафа фанлари доктори
(Андижон, Ўзбекистон)
Когай Евгения Анатольевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Курск, Россия)
Нуришева Гульжихан Жумабаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Шарипова Эркайим Козуевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)

Тарих
Шамсутдинов Рустамбек Темирович – тарих фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Исҳоқов Мирсодиқ Мирсултонович – тарих фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Асқаров Аҳмадали Асқарович – тарих фанлари доктори, ЎзР ФА академиги (Тошкент, Ўзбекистон)
Расулов Абдулла Нуритдинович – тарих фанлари доктори, профессор (Наманган, Ўзбекистон)
Амелин Веналий Владимирович – тарих фанлари доктори, профессор (Оренбург, Россия)
Койгелдиев Мамбет Кулжабаевич – тарих фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Кененсариев Ташманбет Кененсариевич – тарих фанлари доктори, профессор (Бишкек, Қирғизистон)
Комилов Ойбек Камилович – тарих фанлари доктори (Андижон, Ўзбекистон)

Адабиётшунослик
Йўлдошев Қозоқбой Бойбекович – педагогика фанлари доктори, профессор (Гулистон, Ўзбекистон)
Тўхлиев Боқижон – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Юсупова Альфия Шавкетовна – филология фанлари доктори, профессор (Казан, Россия)
Мирзаева Салимахон Райимжоновна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Қосимов Абдуғопир Абдукаримович – филология фанлари доктори (Фарғона, Ўзбекистон)
Ҳамдамов Улуғбек Абдуваҳобович - филология фанлари доктори (Тошкент, Ўзбекистон)
Кунафин Гиниятулла Сафиуллович – филология фанлари доктори, профессор (Уфа, Россия)
Ҳусейн Бойдемир – филология фанлари доктори, профессор (Эрзрум, Туркия)
Абдуқодиров Абдусалом – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)
Вали Саваш Йелок – филология фанлари доктори (Анқара, Туркия)

Тилшунослик
Маҳмудов Низомиддин Мамадалиевич – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Ҳошимов Ғанижон Мирзаахмедович – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Менглиев Бахтиёр Ражабович – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Шаҳобиддинова Шоҳида Ҳошимовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Набиева Дилора Абдулҳамидовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Алефиренко Николай Федорович – филология фанлари доктори, профессор (Москва, Россия)
Зулпикаров Қапар Зулпикарович – филология фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)
Бердиалиев Абдували – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)

Муҳаррир:
Д.Ҳ.Қуронов, филология фанлари доктори, профессор

МУНДАРИЖА

ФАЛСАФА

У. БЎТАЕВ, О. ҒАНИЕВ
«Ақлий марказлар» – давлат ва жамият бошқарувини ривожлантирувчи асос.....5

ТАРИХ

А. МАМАЖОНОВ
Андижонликларнинг Фарҳод ГЭСи қурилишига қўшган ҳиссаси.....14

О. ЗАРИПОВ
Туркистон ўлкасида ирригация ва сув тақсимотига оид илк қонунлар.....23

М.М. ЭРГАШЕВА
Андижон вилояти архив фондларининг шаклланиш тарихидан (1921–1970 йиллар).....32

С.А. ҲОШИМОВ
Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда диний сиёсати тарихидан.....41

Ш.Т. САИДАХМАТОВ
Мустақиллик йилларида Термиз шаҳри агломерацияси муаммолари.....51

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Д.З. АБДУЛЛАЕВА, И.А. МАДГАЗИЕВ, С.И. ИСЛОМОВА
«Дархон» газетаси ва Чўлпоннинг журналистик фаолияти.....59

И.А. МАДГАЗИЕВ
XIX аср сўнгги чораги ва XX аср бошлари Андижон адабий муҳити манбалари.....70

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Х. ШАХОБИДДИНОВА, Д.В. ПОПОВ
О языке массовой культуры.....79

Ғ.М. ҲОШИМОВ, Ҳ.О. ҚОСИМОВА
Турли тизимдаги тилларда кириш бўлакларнинг лингвокогнитив ва лингвокультурологик жиҳатлари.....89

Ғ.М. ХОШИМОВ, С.Ж. НАЗАРОВА
Турли тизимдаги тилларда поликомпонентли қўшма гапларнинг мақоми ва дискурсив жиҳатлари.....98

З.М. ҚОДИРОВ
Ўзбек тили келишик системасининг ўзаро функционал-семантик нейтрализацияси.....108

Д.С. НЕЪМАТОВА
Чўлпон публицистик асарлари услубиятига доир.....116

М.Т. ХАЛИЛОВА
Илмий-оммабоп нутқ матнлари ва уларнинг услубий хусусиятлари.....124

CONTENTS

PHILOSOPHY

U. BOTAEV, O. GANIEV
«Think tanks» – the basis for the development of government and public administration.....5

HISTORY

A. MAMAJONOV
Contribution of andijan people to the construction of Farhod hydroelectric powerstation.....14

O.O. ZARIPOV
The first laws on irrigation and water distribution in the turkistan region.....23

M.M. ERGASHEVA
From the history of formation of archival funds of andijan region (1920-1970).....32

S.A.KHOSHIMOV
From the history of the religious policy of the soviet government in Uzbekistan....41

SH.T. SAIDAHMATOV
Problems of Termiz city aglomeration In the years of independence.....…51

LITERARY STUDIES

D.Z. ABDULLAEVA, I.A. MADGAZIEV, S.I. ISLOMOVA
Darkhon newspaper and chulpon's journalistic activity.....59

I.A. MADGAZIEV
Sources of the andijan literary environment of the last quarter of the XIX century and the beginning of the xx centuy.....70

LINGUISTICS

Sh.H. SHAHOBIDDINOVA, D.V. POPOV
About the language of mass culture.....79

G.M. HOSHIMOV, H.O. KOSIMOVA
Linguvocognitive and linguculturological aspects of introduction in different languages.....89

G.M. XOSHIMOV, S.J. NAZAROVA
Status, length and discoursive features of polycomponential composite sentences in non-related languages.....98

Z.KODIROV
Functional-semantic neutralization of the uzbek language case system.....108

D.NE'MATOVA
Chulpon on the style of publicistic works.....116

M.T. KHALILOVA
Popular-scientific speech texts and their stylistic peculiarities.....124

УДК: 94(575.1)

ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ ТАҚСИМОТИГА ОИД ИЛК ҚОНУНЛАР

О. Зарипов

Мақолада мустамлака даврида Туркистонда сувдан фойдаланиш, сув хўжалиги маъмурияти масалалари Тошкент мисолида архив ҳужжатлари ва тарихий адабиётлар асосида ёритилган. Россия маъмуриятининг ўлкада мустамлака давригача мавжуд бўлган сувдан фойдаланиш тизимига муносабати фон Кауфман томонидан 1877 йилда қабул қилинган «Туркистон ўлкасини суғориш қоидалари»да акс этган. Ушбу қонуннинг маҳаллий суғориш анъаналарига ва маҳаллий сувдан фойдаланиш тизимига таъсири ўрганилган.

Калит сўзлар: *сувдан фойдаланиш, ирригация, сув хўжалиги маъмурияти, Тошкент, Кауфман.*

В статье на основе архивных документов и исторических источников освещаются вопросы водопользования, водного хозяйства и системы водной администрации в Ташкенте и в Туркестане в целом, отношение русской администрации к существовавшей до колониза-ции системе водопользования. Особое внимание уделяется принятому фон Кауфманом закону в 1877 году, «Правила об ирригации Туркестанского края». Проанализированы влияние этого закона на местные традиции орошения и трансформация местного водопользовния.

Ключевые слова: *водопользование, ирригация, водная администрация, Ташкент, фон Кауфман.*

XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистон иқтисодий ҳаёти қишлоқ хўжалигига, хусусан, суғорма деҳқончиликка асосланганди. Ўрта Осиё ҳудудлари Россия империяси томонидан забт этилгач, маҳаллий хўжаликнинг ўзига хослигини ҳисобга олиб, рус ҳукумати янги эгалланган Туркистон ўлкасининг ички, айниқса, иқтисодий ҳаётига бевосита аралашмаслик йўлини тутди. Мустамлакачилик сиёсатининг илк даврларида* қабул қилинган бундай қарор Россия вазирлар қўмитасининг Туркистон ўлкасини бошқариш бўйича чиқарган кўрсатмалари, подшо томонидан тасдиқланган 1867 йил 11 июлдаги низомда акс этди [1. Б. 9]. Қабул қилинган ушбу низом қуйидаги тамойилларга асосланди: а) сиёсий хусусиятга эга бўлмаган барча масалаларда ички бошқарувни маҳаллий аҳоли томонидан сайланган шахсларга бериш; б) шариатнинг маҳаллий ёзма қонунларини, қирғизлар учун рус қонуни билан аниқлаштирилмаган ҳуқуқий муносабатлар учун одатни сақлаб қолиш; в) маҳаллий бошқарув тизимида, унинг қонун ва одатларида давлат манфаатларига зид бўлган ҳолатларни бартараф этиш [2. Б. 21]. Ҳозирги кунда мустамлака даври тарихи билан шуғулланувчи Александр Моррисон каби айрим ғарб олимларида рус ҳукуматининг тутган йўли Англия Ҳиндистонда ва Франция Жазоирда юритган мустамлакачилик сиёсатига тақлидан амалга оширилди деган фикрлар мавжуд [3. Б. 127–149]. Жумладан, рус олими К.А.Фурсов тадқиқотида Россия ва Англиянинг XIX–XX асрлардаги мустамлакачилик сиёсати қиёсий таҳлил қилинган бўлиб, унда аграр соҳа алоҳида ўрганилгани, икки империя бошқаруви солиштирилгани билан диққатга сазовор [4. Б. 28]. Албатта, рус сиёсий доиралари ва матбуотининг Англия Ҳиндистонда юритган мустамлакачилик сиёсатига бўлган улкан қизиқиши ва ўлка бошқарувининг дастлабки йилларида Франциянинг Жазоирда юритаётган сиёсатини ўрганиш учун А.Н.Куропаткиннинг хизмат сафарига жўнатилиши [5. Б. 80] каби фактлар юқоридаги фикрларни қувватлайди. Ана шу асосларда мустамлакачилик сиёсатининг дастлабки йилларида Туркистон ижтимоий ҳаётининг турли жабҳалари, хусусан, аграр соҳа ва суғориш ишлари, сувдан фойдаланиш ҳуқуқий тизими ҳукумат аралашувисиз ўтди.

*1967 йил 11 апрелда Оренбург губернаторлиги таркибидаги Туркистон вилоятига Таргабатай тоғ тизмаси жанубий томонидаги Семипалатинск вилоятининг бир қисми қўшилиб, Сирдарё ва Еттисув вилоятлари таркибида Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил қилинади.

Бироқ аралашмаслик сиёсати узоқ вақт сақланиб қолмади, чунки ҳукумат эгалланган ҳудудни шунчаки бошқариш эмас, ундан ўз иқтисодий манфаатлари йўлида фойдаланишни мақсад қилган эди. Ўша давр рус матбуотидаги «биз Тошкентни унинг халқига беғараз яхшилик қилишни кўзлаб эмас, балки бирдан-бир зарурат, рус манфаатлари учун эгалладик» [6. Б. 9] деган сўзлар юқоридаги фикримизни тасдиқлайди. Рус маъмурлари ўлка иқтисодий ҳаётига аралашувсиз ундан тўлақонли фойдаланиш мумкин эмаслигини яхши тушунишарди. Қолаверса, суғориш ишларини йўлга қўйиш ва сувдан фойдаланиш соҳасининг иқтисодий аҳамиятидан, хусусан, томонларнинг тўқнашувига сабаб бўлувчи ҳуқуқий асос зарурлиги ва мунтазам равишда тартибга солиниши керак бўлган муҳим масала эканлиги ҳукумат аралашуви ва назоратини талаб қиларди.

Маҳаллий аҳолининг ички хўжалик ишларига аралашмаслик сиёсатидан келиб чиқиб, сув ҳуқуқи борасида рус ҳукуматининг илк қадами сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги илк қонун-қоидалар Тошкентнинг рус аҳолиси жойлаштирилган ҳудудда қабул қилиниши билан бошланди. 1868 йилда генерал-губернатор Кауфман рухсати билан Тошкент шаҳрининг рус қисмида сув тақсимоти ва ариқ-зовурларни сақлаш бўйича бир йиллик тажриба-синов тарзида низом жорий этилди [7. Б. 1]. Шаҳарнинг асосан рус ҳарбийлари ва хизматчилари жойлаштирилган қисмига тегишли ушбу низомга кўра, ариқ ва тўғонларни қуриш ва сақлаш, сувдан тўғри фойдаланиш, хусусан, барча уй-жой эгалари ўртасида сувни бир хилда тақсимлаш, жарималар тайинлаш, суғориш ишлари учун йиғимларни белгилаш ва ундириш, унинг сарф-харажатларини ташкиллаштириш ишлари бош назорати жамоа томонидан тайинланган уч шахс ва уч номзодга юклатилди. Суғоришнинг техник жиҳатларига тегишли қисми эса шаҳар бошлиғига бевосита бўйсунган мутахассис назоратида эди [8. Б. 2].

Аммо Тошкентнинг маҳаллий аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудларида ҳам халқ ҳукумат томонидан суғориш иншоотларини тиклаш, суғориш ишлари ва сувдан фойдаланиш ҳуқуқини тартибга солишни талаб қиларди. Чунки 1865 йилда рус қўшинларининг Ниёзбек қалъаси томонидан Тошкентга юриши пайтида генерал М.Г.Черняев Кайкавус ариғи тўғонини бузиб, уни Чирчиқ дарёсига бурib юборган эди. Натижада тошкентликлар сувсиз қолиб, оғир аҳволга тушади [9. Б. 185]. Чирчиқ дарёсидан сув оладиган улкан ариқларни ёз фаслининг ўртасида эгаллаш орқали Тошкентга катта зарба берилди, боғлар, далалар ва чорвалар сувсиз қолиб, шаҳарда мавжуд сув манбалари аҳоли эҳтиёжини қондира олмас эди [10. Б. 4]. Рус ҳарбийларининг Туркистонни эгаллашда ўлка қишлоқ хўжалигининг асоси бўлган суғориш иншоотларини бузиш тадбири йўл-йўлакай эмас, балки мақсадли ўйланган иш эканини 1867 йилда подполковник Абрамов Жиззахни эгаллашда уни сув билан таъминлайдиган сой тўғонини вайрон қилдириши мисолида ҳам кўриш мумкин [11. Б. 129]. Қолаверса, «ҳозирги вазиятда шаҳарни куч билан қўлга олиш мумкин эмаслигини ҳисобга олиб, лекин шу билан бирга уни бевосита бизга қарам қилиш ва, шунингдек, доим қўл остимизда сақлаш учун мен Тошкентнинг асосий сув манбаи бўлган Ниёзбек қалъасини эгаллашга қарор қилдим», деб ёзади Черняев ўз ҳисоботида [12. Б. 155].

Чирчиқ дарёсидан сув оладиган Захарик шаҳарнинг шимолий ерларини суғориб, Бўзсув ариғига оққан [13. Б. 44-45]. Тарихчи Муҳаммад Солиҳнинг маълумотига кўра, халқ кучи билан қурилган Кайкобус кейинчалик Бўзсув деб аталган сунъий суғориш иншооти бутун Тошкент шаҳрини сув билан таъминлаган [14. Б. 436]. Ушбу суғориш иншоотларининг бузилиши қуйидагича кечган: Қирғизқулоқ яқинидаги (Ниёзбек қалъаси қаршисида) Захарик соҳилининг бузилиши оқибатида унинг бир қисми Бўзсув ва қолган қисми Чирчиқ томон оққан. Натижада Бўзсув ариғи ушбу сув босимини кўтара олмай тошиб, ишдан чиққан. Ниёзбек тўғонлари алоҳида бузиб ташланган. Шундай қилиб, Чирчиқ дарёсининг ўнг қирғоғидаги суғориш тизими бутунлай ишдан чиққанди [15. Б. 137]. Ўша давр рус тарихчиси аҳоли эҳтиёжларидан бехабарлигидан рус маъмурларининг ушбу масалага халқнинг кераксиз инжиқлиги деб қараб: «уларга сув керак бўлса, ўзлари ўтказаверишсин» қабилида қарашганини келтириб ўтади [15. Б. 137]. Маълумки, Ўрта Осиё ҳукмдорлари суғориш иншоотларининг созлигига ҳамиша ғамхўрлик қилишган. Бош ариқ тизимларининг барчаси ҳукумат томонидан турли вақтларда қурилган ва хирож солиғи ҳисобига сақланган, ҳатто иккинчи даражали суғориш шоҳобчалари ҳам давлат томонидан ташкил қилиниб, фақатгина уларни эҳтиёт қилиш ер эгалари жавобгарлигида бўлган [16. Б. 117–118]. Тошкентнинг асосий суғориш тизими вайрон қилингач, аҳолида бундай иншоотларни қуриш ва таъмирлаш ишларини давлат ташаббуси ва ҳомийлигисиз амалга оши-

риш имкони йўқ эди. Бунинг устига, Тошкент шаҳри эгалланганининг илк даврида Черняев томонидан ер эгаларидан солиқ йиғиш бекор қилинган бўлса-да, 1866 йилда Романовский бошқарув даврига келиб, сунъий суғорма ерлардан ҳосилнинг 10/1 миқдорида йиғиладиган хирож солиғини тўлаш қайта тикланди. Ўша йили Тошкент шаҳридан давлат хазинасига йиғилган хирож солиғининг миқдори 80.000 рублни ташкил этди [17. Б. 3]. Кейинчалик рус ҳукумати 1867 йилда қабул қилган «Еттисув ва Сирдарё вилоятларидаги бошқарув тўғрисидаги низом»да ҳам деҳқончиликнинг асосий манбаи бўлмиш суғориш тизимисиз қолган ер эгаларидан ўлкада мавжуд солиқларни давлат ҳисобига йиғилишни белгилади [1. Б. 9]. Шу сабабли 1867 йилнинг ўзида маҳаллий аҳоли ўзларининг вақтинчалик бошлиқлари бўлмиш, ҳарбий старшина В.Р.Серовга «уларнинг ачинарли ҳолатларини тушунишни сўраб, губернаторнинг боғи жойлашган Ракатсу тўғонида ишлашга йўл қўйилмаяпти... Захариқ ва Бўзсувни улар ўз кучлари билан тўлиқ таъмирлай олмасликлари, ҳеч қаердан ёрдам олишмаётгани, шундай бўлса-да, улардан солиқ ўз вақтида талаб қилишаётганлиги» тўғрисида илтимос билан мурожаат қилишди [15. Б. 138]. Ушбу илтимоснома натижасида маъмурият қандайдир чоралар кўришга ҳаракат қилган бўлса-да, суғориш ишларига алоҳида эътибор ўлкага К.П. фон Кауфманнинг келиши билан қаратилди. 1868 йилда шаҳарнинг рус аҳолиси жойлашган ҳудуд учун юқорида айтилган низом қабул қилиниб, шаҳарнинг маҳаллий аҳоли истиқомат қилувчи қисмлари учун истилогача мавжуд бўлган сув ҳуқуқи қонун-қоидалари сақлаб қолинди. Ирригация маъмурияти ташкил қилиниб, шаҳар ҳокими Е.А.Россицкийнинг тақдимотига кўра, Чирчиқнинг ўнг соҳили ирригацияси мудири Н.Ф.Ульянов тайинланди. Унга кўмаклашиш учун шаҳарда 5 та ариқ-оқсоқоли (4 таси шаҳарнинг маҳаллий қисмидан, 1 таси рус қисмидан) ва махсус Захариқ оқсоқоли берилди, ҳар бир оқсоқолга 6 мироб ва 2 тўғончи бириктирилди [15. Б. 138]. Бундан ташқари 1868 – 1869 йилларда Черняев томонидан бузилган суғориш иншоотлари тўлиқ таъмирланиб, Ниёзбек тўғони қайта тикланди. Нафақат бутун шаҳар сув билан таъминланиб, балки аҳолининг деҳқончилик ишларига қайтиши муносабати билан 1870 йилда Чирчиқ дарёсидан Захариқ тармоғи орқали Келес дарёси водийсига, Қоплонбек овулигача бўлган ерларга сув чиқариш мумкин бўлди [15. Б. 138].

1876 йил маълумотига кўра, Тошкент шаҳри ва Қурама уездида сув тақсимоти ва суғориш иншоотларини назорат қилиш вазифаси юклатилган ирригация бошқармаси мудири ва ариқ оқсоқоллари фаолияти учун қуйидаги маблағ сарф қилинган [18. Б. 2]:

1.Тошкент шаҳрида, шаҳар жамғармасидан:

а) мудир маоши учун – 750 р.

б) ариқ оқсоқоллари, мироб ва тўғончи маошлари учун – 7151 р.

Жами: 7901 р.

2. Қурама уезди бўйича, жамоа маблағларидан:

а) мудир маоши учун – 750 р.

б) ариқ оқсоқоллари, мироб ва тўғончи маошлари учун – 2480 р.

Жами: 3230 р.

Ҳаммаси бўлиб: 11.131 р.

Ушбу маълумотдан суғориш маъмурияти ходимларига давлат ҳисобидан доимий маош тайинланиши орқали ҳукумат ушбу тизимни тўлақонли мустамлака бошқарув тизимига бўйсундиришга ҳаракат қилганини кўриш мумкин.

Шуни таъкидлаш кераки, ирригация маъмурияти хонлик даврида ўз хизматлари учун маош олмаган, маҳаллий беклар уларга ҳар йили қуйидагича миқдорда ҳадялар бериб турган: мироббошиларга – 3 та чопон, эгар-жабдуқли от ва 200 пуд (тахминан 3200 кг – *О.З*) миқдорда ҳар хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, кичик миробларга эса 1 тадан чопон, жабдуқли от ва 100 пуд (1600 кг – *О.З*) маҳсулот, бундан ташқари барча ариқ оқсоқоллари хирож ва таноб солиқларидан озод қилинган [19. Б. 23].

Шундай бўлса-да, суғориш тизими маъмурияти ваколат ва мажбуриятларини, ер эгаларининг сувдан фойдаланиш ҳуқуқи ва сув муносабатларини тартибга солувчи, аҳолининг барча қатлами учун тааллуқли ирригация тўғрисидаги жиддий қонун 1877 йилга келиб, Тошкент эгаллангандан 12 йил ўтгач қабул қилинди [2. Б. 21–22]. Бунга сабаб ушбу давр ичида Қўқон хонлиги тугатилиб, Бухоро ва Хива хонликларига тегишли ҳудудлар эгалланиб, мустамлакачиларнинг асосий диққат-эътибори ҳарбий юришлар ва эгалланган ҳудуд чегараларини мустаҳкамлашга қаратилган эди.

1877 йилги «Туркистон ўлкасини суғориш тўғрисидаги муваққат қоидалар» [20] нинг қабул қилиниш эҳтиёжи ва омиллари ҳақида генерал-губернатор девонхонасининг маълумотида қуйидаги фикрлар қайд қилинган: «Туркистонда сувнинг биринчи даражали аҳамият касб этишини ҳисобга олиб, марҳум гене-

рал-губернатор Кауфман сувни бошқариш ва ундан фойдаланишни янада аниқроқ асосларда ўз вақтида тартиб ўрнатишни лозим топди. Шу мақсадда генерал-губернатор девонхонасида, бу ерда анчадан буён суғориш ишларига масъул бўлган технолог Ульянов иштирокида Туркистон ўлкасини суғоришга оид вақтинчалик қоидалар ва ирригация маъмурияти учун кўрсатмалар лойиҳаси ишлаб чиқилди. 1877 йилнинг 1 апрелидан генерал-губернатор томонидан тасдиқланди ҳамда Тошкент ва Қурама узедида вақтинча, икки йиллик амалиёт учун жорий этилди» [21. Б. 3].

Икки қисмдан иборат бўлган ушбу қонуннинг «Умумий қоидалар» [21, 22] деб номланган 1-қисми 29 банддан иборат бўлиб, у қуйидаги тартибларни ўз ичига олди:

1) ариқ, зовур ва дарёдаги сувлар давлатга тегишли, бироқ аҳолига ундан суғориш учун фойдаланиш ҳуқуқи берилади, сув тақсимотини назорат қилиш, ер эгаларининг эҳтиёжидан ортган сувни тасарруф қилиш ваколати ўлканинг умумий манфаатидан келиб чиқиб, маҳаллий маъмуриятга берилади;

2) ариқлар қурилиши, дарё ва кўллардан сув чиқариш ҳамда суғорилмаган янги ерларга бошқа турдаги сув иншоотларини барпо қилиш, ботқоқликларни қуритиш, эгасиз бўлган ерларга оқова зовурларини ўтказиш ишлари губернатор тақдимотига кўра, генерал-губернаторнинг рухсати билан амалга оширилади;

3) ирригатор рухсатисиз (ўта муҳим ҳолларда губернатор рухсати билан) ҳар қандай сабабларга кўра катта ва кичик ариқларнинг сув чиқиш йўлларини ёки тўғонларнинг ҳолати ва баландлигини ўзгартириш;

4) ҳозирги вақтда тақиқланган ҳудудларда гуруч экишга йўл қўйилмайди. Аҳоли соғлиғини сақлаш мақсадида, ушбу тақиқнинг янги ҳудудларда қўлланиши тиббиёт идораларининг гигиена талабларига тўғри келиши ҳақидаги қарорига мувофиқ губернатор томонидан рухсат этилади.

Изоҳ: Бу банднинг киритилишига сабаб, Тошкент ҳудуди атрофларида сув сероблиги сабаб гуруч ва шоли каби экин турлари кўб экиларди. Ушбу экинларни суғоришдаги ўзига хосликни ҳисобга олиб, рус ҳукумати Тошкентни эгаллагандан сўнг, ушбу ҳудудларда шоли ва гуруч экишга юқоридаги каби чекловлар ўрнатди.

5) завод ва фабрикаларни қуриш фақат дарё оқими ва суғориш ариқлари бўйлаб аҳоли яшаш ҳудудларининг қуйи қисмида, сувга зарар етказмаслик шарти билан мумкин.

Ер эгаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

6) губернаторнинг нотўғри бошқаруви тўғрисидаги аризалар белгиланган тартибда ўлканинг бош бошқарувчисига тақдим қилинади;

7) ҳар бир ер эгаси ўзига тегишли ерларни суғоришга зарур бўлган миқдорда, ер майдони ва экин турига қараб ҳамда ўзининг шахсий эҳтиёжи учун сувдан фойдаланиш ҳуқуқига эга;

8) ҳар бир жамоа, артель ёки хусусий мулк эгаси ўзининг еридан ирригатор томонидан белгиланган миқдордаги сувни ундан кейинги ерларни суғориш учун ариқ бўйлаб ўтказишга мажбур. Ушбу сувдан улар фақат ўзларига ажратилган миқдорда фойдаланишлари мумкин;

9) олдин суғорилмаган ерларни суғориш учун хусусий мулк эгасининг еридан ариқ ўтказиш зарурати туғилганда, ушбу ер эгаси ўтказиладиган ариқ майдони қиймати миқдоридаги товон пули талаб қилишга ҳақли. Ушбу тўлов ерларига суғориш тармоқлари ўтказилаётган мулк эгалари ҳисобидан қопланади;

10) сув иншооти ва ариқ оқимининг юқори қисмида жойлашган ер эгаларининг ўзбошимчалик билан сувни тўсиб қўйиш ҳолатида ҳар бир (жабрланган) ер эгаси ариқ оқсоқолининг ёрдамини талаб қилиш ҳуқуқига эга, ариқ оқсоқоли зудлик билан узоғи кейинги кундан кечикмасдан аризачининг талабини қондириш учун зарур бўлган чораларни кўриши керак;

11) агар ариқ оқсоқолининг талабига кўра сув очилмаса, у жабрланувчи ва мироб ёки бирор бир гувоҳ иштирокида далолатнома тузиб, ушбу далолатномани жабрланувчи ер эгаси айбдорни жаримага солиш ва етказилган зарарни қоплаш учун тегишлилига қараб ҳукумат суди ёки қозига топширади.

Изоҳ: Жарима миқдори «Судьялар томонидан қўлланиладиган жазолар тўғрисидаги низом» нинг 29 моддаси билан белгиланади (Ушбу низомнинг 29-моддасига кўра 50 рубldан ошмаган миқдоридаги жарима белгилаб қўйилган – *О.З.*)

12) хусусий мулкдорлар ўртасида сувдан фойдаланиш устида юзага келадиган низо ва тортишувлар тааллуқлилигига кўра ҳукумат судьяси ёки қози томонидан кўриб чиқилади;

13) ер эгаси томонидан ўрнатилган қоидаларни бузиш оқибатида тўғонлар, ариқ ва бошқа суғориш иншоотларига зарар етказилса ёки ишдан чиқса, у «Судьялар томонидан қўлланиладиган жазолар тўғрисидаги низом»нинг 29-моддаси билан белгиланган жаримага тор-

тилади ва судья ёки қозининг қарорига кўра маҳкама белгилаган зарарни қоплайди;

14) ер эгаси ўзининг ҳудудидан ўтувчи қувур ва ариқларнинг ифлосланишига йўл қўймай, сувнинг тозалигини назорат қилиши шарт. Суғориш каналларининг ўт босиши ва турли чўкиндилардан тозалаш ушбу ишлар хизмат вазифасига кирадиган жамоаларга юклатилади;

15) ушбу қоидаларга бўйсунмаган ер эгаси судья ёки қозининг маҳкама қарорига кўра жаримага тортилади. Уни жавобгарликка тортиш ҳуқуқи фақатгина умумий ва ирригация маъмурияти, ҳукумат идоралари ва кишиларига эмас, балки қонунбузарликни икки гувоҳ ёрдамида исбот қила оладиган ҳар қандай жисмоний шахсга берилади.

Изоҳ: Жарима миқдори «Судьялар томонидан қўлланиладиган жазолар тўғрисидаги низом»нинг 52-моддаси билан белгиланади (Низомнинг 52-моддасига кўра 10 рублдан ошмаган миқдордаги жарима белгилаб қўйилган. – *О.З.*)

16) судьялар қарорига кўра ундирилган жарималар тегишлилигига қараб шахслар ва жамоаларга уларга етказилган зарарни қоплаш учун берилади. Давлат ҳисобидан сақланаётган иншоотларга шикаст етказганлик учун ундирилган жарималар генерал-губернаторнинг маблағига хатлаш учун маҳаллий хазинага жўнатилади, унинг кўрсатмасига кўра суғориш иншоотларини таъмирлаш сарф-харажатлари учун бери-лади;

17) ҳар бир ер эгаси ўз ерида жойлашган кичик ариқларни ҳамда томорқаси қаршисидаги кўчаларнинг ариғи ва ҳовлисидан ўтувчи кўприк ёки қувурларни шахсий ҳисобидан ўтказиши ва сақлаши шарт;

18) ирригация маъмуриятининг фармойишлари оқибатида ҳуқуқ ёки манфаатлари бузилган ҳолатда ҳар бир ер эгаси бу каби фармойишларни ўзгартириш юзасидан ирригаторга шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга, арз адолатли бўлган тақдирда ирригатор зудлик билан уни ҳал этиш учун ўзининг ваколат доирасидаги барча ҳаракатларни қилиши зарур. Бундай шикоятлар қондирилмаганда белгиланган тартибда юқори инстанцияга мурожаат қилинади. Агар шикоят юқори инстанция томонидан қонуний деб тан олинса, ирригатор томонидан етказилган моддий зиён ва зарарларнинг қопланишини талаб қилишлари мумкин.

Изоҳ: Ушбу қоидалар суғориш иншоотларини ўрнатиш ва таъмирлаш мақсадида барча ҳудудлар учун вақтинча чиқарилган фармойишлар натижасида содир бўлган ҳуқуқбузарликларга тегишли эмас.

19) ҳар бир ер эгаси ўзига тегиш мажбуриятларни бажаришга ва белгиланган тартибдаги пул йиғимларини тўлашга мажбур.

Сувдан фойдаланиш муносабатларини тартибга солувчи ушбу бандларни генерал-губернатор девонхонаси қуйидаги тамойилларга асосланди деб изоҳлайди: «шариат бўйича ер эгалиги ҳуқуқи сув ҳуқуқи билан узвий боғлиқдир, шунинг учун ҳам қоидаларда унинг ҳар иккала ҳуқуқига дахл қилмаган ҳолда фақат ҳар бир ер егаси учун мажбурий бўлган сувдан фойдаланиш тартиби белгиланди» [21. Б. 3]. Бу билан рус маъмурлари ушбу қоидаларнинг ўлкада мавжуд одат ва шариат кўрсатмалари уйғунлигида ишлаб чиқилганлигини таъкидлайдилар.

Қоидаларнинг суғориш иншоотларига тегишли бандлари ушбу иншоотларнинг давлат ғамхўрлиги остида тартибга солиниши ғояси нуқтаи назаридан мавжуд одатлар ва шариат қонунларига мос келса-да, бироқ қоидаларнинг ер эгалари ҳуқуқ ва мажбуриятларига тегишли айрим кўрсатмалари ўлкадаги мавжуд сувдан фойдаланиш анъаналарини бутунлай ўзгартириб юборди. Чунки ушбу қоидалар ер эгаларини сувдан фойдаланиш муносабатларида чиқадиган низолар ёки суғориш ишларидаги муаммоларни ҳал этишда турли бўғиндаги идораларга мурожаат қилиш оворагарчилиги ва маъмурий қоғозбозлик гирдобига ғарқ қиларди.

Маълумки, суғориш ишлари мавсумий тадбир бўлиб, деҳқончиликда экиннинг турига ва ернинг ҳолатига қараб аниқ муддат ичида суғоришни талаб этади. Қолаверса, сувнинг ер эгалари ўртасида тенг тақсимланишида дарё сувларининг сероб бўлиши ёки камайиши ҳам муҳим омил ҳисобланади. Муайян муддат ичида ерини суғориши лозим бўлган бир пайтда ушбу масалада муаммога учраб, уни ҳал этиш учун идорама-идора турли ариза ва шикоятларни расмийлаштириб юриш ер эгаси учун албатта ортиқча қийинчиликларни келтириб чиқарган.

Одатга кўра эса Туркистонда сув устидаги барча жиддий тусдаги низолар шариат қозилари, енгилроқлари эса маҳаллий сув маъмурияти (ариқ оқсоқоли, мироб) томонидан кўриб чиқилган. Маҳаллий ҳуқуқ тизимида сув ишлари билан боғлиқ фуқаролик, жиноий ёки маъмурий маҳкамалар мавжуд бўлмаган [2. Б. 43]. Одатда сув билан боғлиқ низолар

жойида соҳага масъул маъмурлар томонидан ҳал этилган.

Шунингдек, қонунда сувдан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун белгиланган жазо сифатида 11-, 13-, 15-бандларда кичик миқдордаги жарималарнинг жорий этилиши, ўлкада сув қонунчилиги учун жавобгарликни енгиллаштирди. Агар бу жазолар истибдодгача бўлган даврдаги жазолар билан таққосланса, сувдан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун маҳаллий одатга кўра 10–1000 танга миқдорида жарима, айбдорга 2–3 ой давомида от анжомларини кийгизиш, 6 ойга ертўлага қамаш [2. Б. 43] каби жазолар қўлланилган. Албатта, ушбу жазоларнинг қаттиқлиги Туркистонда суғорма сувининг аҳамиятини кўрсатади.

Суғориш ишларини бошқарадиган муассаса.

1) Тошкент шаҳри ва Чирчиқ дарёсининг ҳар иккала томони бўйлаб Қурама уездида суғориш ишларини бошқариш учун «ирригатор» ва «ирригатор ёрдамчиси» лавозимлари таъсис этилади.

2) ирригатор қўл остида ер ўлчовчи (землемер) ва муайян сондаги ариқ оқсоқоллари, мироб ва тўғончилар бўлади.

Изоҳ: Ирригатор, унинг ёрдамчиси ва ер ўлчовчининг хизмат вазифалари ва уларга тайинланадиган иш ҳаққи миқдори ирригация маъмуриятининг бошқа вакиллари каби штатлар билан белгиланган.

Ариқ маъмуриятини ташкил этувчи шахсларнинг вазифалари иловадаги кўрсатмада баён қилинган.

1) ирригатор ва унинг ёрдамчиси ер ўлчовчи (танобчи *О.З.*) лавозимига тегишли таълим муассасаларида махсус таълим олган шахслар тайинланади.

2) ирригатор ва унинг ёрдамчиси вилоят бошлиғи томонидан белгиланади ва бевосита ҳарбий губернаторга бўйсунади. Улар томонидан тузиладиган гидротехник ва қурилиш иншоотларнинг лойиҳа ва сметалари қурилиш қўмитасининг текшируви ва муҳокамасидан ўтиши лозим.

3) ирригатор ва унинг ёрдамчиси ҳукумат ташкилоти ва шахсларининг қонуний талабларини, шунингдек, жамоа ва жисмоний шахсларнинг илтимосларини ўзларига берилган ҳуқуқ доирасида бажаришга мажбурдирлар.

4) ер ўлчов вилоят бошқармаси бошлиғи томонидан тайинланиб, ўз ҳаракатларида ирригаторнинг кўрсатмаларига бўйсунади. Кўрсатмаларнинг ноқонуний ва нотўғрилиги тўғрисидаги шикоятлар ҳарбий губернаторга тақдим этилади.

5) ирригаторнинг йўқлиги ёки касаллигида унинг вазифалари ёрдамчиси томонидан бажарилади, бу ҳақида ҳарбий губернаторга хабар берилади.

6) ирригатор кўрсатмаларини бажариш учун унинг қўл остида ариқ оқсоқоллари, мироблар ва тўғончилар бўлади, уларнинг сони штатга кўра белгиланади.

7) ариқ оқсоқоллари ирригаторнинг тақдимотига биноан ҳарбий губернатор томонидан тайинланади; тўғончи ирригатор томонидан танланади ва бу ҳақда губернаторга маълум қилинади; мироблар ариқ-оқсоқоллар томонидан танланади ва ирригатор томонидан тасдиқланади.

Суғорма деҳқончилик анъаналарини ўрганмай жорий қилинган ушбу қоидалар оқибатида рус ҳукумати Туркистон ер эгаларини янги бир тизимга олиб кирди ва ўлка сув хўжалиги тизимида туб ўзгаришлар рўй берди. Эндиликда маҳаллий деҳқон ёки ер эгаси ўзи учун нотаниш бўлган қонунчилик тизимини ўрганиши, ўз ишини унинг кўрсатмаларига асосан юритиши керак бўлган рус бошқарув механизмнинг бевосита иштирокчисига айланди. Рус маъмурларининг мақсади ҳам ўлкадаги бошқа соҳалар каби сув хўжалиги тизимини марказлаштириш орқали бошқариш эди. Қонуннинг ирригация маъмуриятига тегишли бўлган иккинчи қисмида бу яққол акс этган. Унга кўра Тошкент шаҳри ва Чирчиқ дарёсининг ҳар иккала томони бўйлаб Қурама уездида суғориш ишларини бошқариш учун «ирригатор» ва «ирригатор ёрдамчиси» лавозимлари таъсис этилди [23. Б. 6]. Туркистоннинг анъанавий «ариқ маъмурияти» вакиллари бўлмиш ариқ оқсоқоли, мироб ва тўғончилар тўлиқ рус маъмурияти томонидан тайинланадиган бўлди. Хонлик даврида фақатгина бош ариқ оқсоқоли бек томонидан тайинланган, кичик ариқ оқсоқоллари (мироблар – *О.З.*) эса халқ томонидан танланиб, бек томонидан тасдиқланган [14. Б. 447].

Шунингдек, қонуннинг суғориш маъмуриятига тегишли бандларида ирригатор, унинг ёрдамчиси, ер ўлчовчи, ариқ оқсоқоли, мироб ва тўғончиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланиб, уларга тўланадиган маош манбаи кўрсатилиб, қонун иловасида ҳудудлар бўйича хизматчиларнинг штатлар сони ва уларга маош миқдори белгиланди [24. Б. 8].

Шундай қилиб, 1877 йилги «Туркистон ўлкасини суғориш тўғрисидаги муваққат қоидалар»нинг жорий этилиши натижасида

Туркистон ўлкасида асрлар давомида амалда бўлиб келган сувдан фойдаланиш муносабатларидаги одат ва анъаналар мустамлака тузумининг навбатдаги қурбонига айланди. Муваққат жорий қилинган ушбу қонун унинг ташаббускори бўлмиш фон Кауфман бошқарувининг охирига қадар – 5 йил давомида амалда бўлди. Ўлкага генерал-губернатор сифатида қайта келган Тошкент сув иншоотлари вайронкори Черняевнинг 1882 йил 20 декабрдаги буйруғи билан мавжуд қонунга мувофиқ фаолият кўрсатаётган ирригация маъмурияти тугатилиб, мазкур қонун ўз кучини йўқотди. Черняевнинг 1883 йил 13 январдаги буйруғига кўра, Тошкент ва Қурама ҳудудларида сув хўжалиги бошқаруви маҳаллий одатга кўра амалга ошириладиган бўлди [7. Б. 5].

Адабиётлар:

1. Краевое управление. Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенной по высочайшему повелению Сенатором Гофмейстером графом К.К.Паленым. – Санкт-Петербург: Сенатская типография, 1910. – 270 с.

2. *Черданцев Г.Н.* Водное право Туркестана в его настоящем и проектах ближайшего будущего. – Ташкент, Типография Туркестанского т-ва печатного дела, 1911. – 53 с.

3. *Morrison A.* Creating a colonial Shari'a for Russian Turkestan: Count Pahlen, the Hidaya and Anglo-Muhammadan Law / In: Volker Barth & Roland Cvetkovski (ed.) Imperial Co-operation and Transfer, 1870-1930 Empires and Encounters. – London: Bloomsbury Academic, 2015. – Pp. 127–149

4. *Фурсов К.А.* Имперская экономическая политика в русском Туркестане и британской Индии: сходство и различия // Восток (Oriens), 2010. – № 6. – С.28–44.

5. *Савицкий А.П.* Поземельный вопрос в Туркестане (В проектах и законе 1867–1886 гг.). – Ташкент: Издательство СамГУ, 1963. – 280 с.

6. Наши среднеазиатские дела // Голос, 6 июля 1867 г .– № 185. / Туркестанский сборник. Т. 1. – С. 4–6.

7. ЎзМА. И.1-фонд, 1-рўйхат, 2356-иш, 5-варақ.

8. ЎзМА. И.1-фонд, 14-рўйхат, 578-иш, 1-варақ.

9. *Зиёев Ҳ.* Чоризм истилоси // Шарқ юлдузи, 1990. – № 8. – Б.184–190.

10. *Южаков Ю.Д.* Шестнадцатилетняя годовщина взятия Ташкента: (Воспоминания старого туркестанца). – Санкт-Петербург: Типография В.В. Комарова, 1881. [Интернет манба]. URL: http://militera.lib.ru/memo/russian/ uzhakov_yd/index.html (Мурожаат этилган сана: 07.11.2020)

11. *Павлов Н.* История Туркестана. В связи с кратким историческим очерком сопредельных стран. – Ташкент: Типография при канцелярии Туркестанского Генерал-Губернатора, 1910. – 235 с.

12. *Романовский Д.И.* Заметки по Средне-азиатскому вопросу. (С приложениями и картою Туркестанского генерал-губернаторства). – Санкт-Петербург: Типография Второго отделения Собственной его императорского величества канцелярии, 1868. – 294 с.

13. *Ўринбоев А., Бўриев О.* Тошкент Муҳаммад Солиҳ тавсифида (XIX аср). – Тошкент: Фан, 1983. –56 б.

14. *Гейнс А.К.* Управление Ташкентом при кокандском владычестве. (Как характеристика администрации среднеазиатских городов. Собрание литературных трудов. Т. II. – Санкт - Петербург, 1898. – 742 с.

15. *Добросмыслов А.И.* Ташкент в прошлом и в настоящем. Исторический очерк. – Ташкент: Типография Эл.-паров, типо-лит. О.А.Порцев, 1912. – 204 с.

16. *Мухамедов Ш.Б.* Особенности землевладения и водопользования в Средней Азии и Алжире в XIX в. // Метаморфозы истории, 2019. – № 13. – С.117–118.

17. Население, доходы и расходы Туркестанской области. – Москва. // Современная Летопись, 1867. – № 24. – С. 199–203.

18. ЎзМА. И.1- фонд, 14-рўйхат, 578-иш, 2-варақ.

19. ЎзМА. И.1-фонд, 14-рўйхат, 216-иш, 23- варақ.

20. Ўзбекистон Миллий Архиви. (ЎзМА) И.1- фонд, 1- рўйхат, 1324. Правила об ирригации Туркестанского края.

21. ЎзМА. И.1-фонд, 14- рўйхат, 578-иш, 3-варақ.
22. ЎзМА. И.36-фонд, 1-рўйхат, 1822. Правила об ирригации Туркестанского края.
23. ЎзМА. И. 36-фонд, 1-рўйхат, 1822-иш, 6-варақ.
24. ЎзМА. И. 36-фонд, 1-рўйхат, 1822-иш, 8-варақ.

THE FIRST LAWS ON IRRIGATION AND WATER DISTRIBUTION IN THE TURKISTAN REGION

O.O. Zaripov[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Humanitarian Studies. 2021. 1(53). 23-31.

[1]The Institute of History of The Academy of Sciences of The Republic of, Tashkent, 100060, str. Shahrisabz passage 5, (Uzbekistan). E-mail: info@uzhistory.uz.

Keywords: water use, irrigation, water administration, Tashkent, Kaufman.

After the conquest of Central Asia in the second half of the nineteenth century the Russian empire faced the issue of the reorganization of local society according to the imperial principles. In 1867 the Turkestan general-governorship was formed. The first head of the regional administration Kaufman took a number of steps, with a view to structural changes in the territory of the conquered lands. The main changes concerned the field of economics of local Islamic society, and the foundation of this society — issues of land ownership and water use. In order to study these issues, Kaufmann, upon arrival in Turkestan, created several special commissions. A number of prominent officials of the regional administration were sent to foreign lands to study the policy of the governments of different countries on the implementation of issues of Muslim land ownership and water use.

The commissions together with the assignment of eminent personalities to study the practice of land ownership and water use in Russia and abroad, enabled the colonial authorities to develop a strategy and tactics to solve this problem. Kuropatkin's visit to Algeria had a great cognitive significance from the point of view of solving the issues by the French authorities. Naturally, Algeria, being a Muslim region, had its own historical traditions of land tenure and water use. However, Kuropatkin's reseach, did not show on what basis the policy on land tenure and water use of the French authorities was developed. Whose experience was the foundation for this policy? The Turkestan administration, and its head Kaufmann, based on the collected materials, made it possible to compare the policy of the colonial authorities in various regions of the world, and above all, the emphasis was on issues of Muslim land ownership and water use.

The object of our research is to study the order of water law, the irrigation system after the Russian annexation of the city of Tashkent, which is the center of Turkestan as a whole, and in the subsequent management of the surrounding areas of the Syrdarya region, as well as to analyze the attitude of the Russian administration to the existing system. Based on archival documents and historical sources, the article examines the issues of water use, water management and water resources management in Tashkent and Kurama district. Special attention is paid to the law «rules on irrigation of the Turkestan region»adopted by von Kaufmann in 1877. The impact of this law on local irrigation traditions and the transformation of local water use is analyzed.

References:

1. Palen, K.K.(1910) Kraevoe upravlenie. Otchet po revizii Turkestanskogo kraya, proizvedennoĭ po vysochaĭshemu poveleniyu Senatorom Gofmeĭsterom grafom K.K.Palenym [Regional management. Report on the audit of the Turkestan region, made by the highest order of the Senator, Chamberlain count K.K. Palen]. Sankt - Peterburg: Senatskaya tipografiya.

2. Cherdancev, G.N. (1911) *Vodnoe pravo Turkestana v ego nastoyashchem i proektah blizhajshego budushchego* [Water law of Turkestan in its present and near-future projects]. Tashkent, Tipografiya Turkestanskogo t-va pechatnogo dela.

3. Morrison A. . (2015) Creating a colonial Shari'a for Russian Turkestan: Count Pahlen, the Hidaya and Anglo-Muhammadan Law / In: Volker Barth & Roland Cvetkovski (ed.) Imperial Co-operation and Transfer, 1870-1930 Empires and Encounters. London: Bloomsbury Academic, Pp. 127-149.

4. Fursov, K.A. (2010) Imperskaya ekonomicheskaya politika v russkom Turkestane i britanskoj Indii: skhodstvo i razlichiya [Imperial economic policy in Russian Turkestan and British India: similarities and differences]. *Vostok (Oriens)*. No 6. Pp.28-44.

5. Savickij, A.P. (1963) *Pozemel'nyj vopros v Turkestane* (V proektah i zakone 1867-1886 gg.) [The land question in Turkestan (in the drafts and law of 1867-1886)]. Tashkent: Izdatel'stvo SamGU.

6. Nashi sredneaziatskie. (1867) [Our Central Asian Affairs]. *Golos,* July 6. No 185. /Turkestan collection. Vol. 1. Pp. 4-6.

7. O'zbekiston Milliy Arhivi [National archive of Uzbeksitan (NA of Uz.)]NA of Uz. Fund – I.1, List-1, Folding Volume -2356, P.5.

8. NA of Uz. Fund – I.1, List-14, Folding Volume - 578, P.1.

9. Ziyoev, H. (1990). Chorizm istilosi [Conquest of tsarizm]. *Sharq yulduzi.* No. 8. Pp. 184-190.

10. Yuzhakov Yu.D.(1881) *Shestnadcatiletnyaya godovshchina vzyatiya Tashkenta: (Vospominaniya starogo turkestanca)* [Sixteen-year anniversary of the capture of Tashkent: (Memoirs of an old Turkestan)]. Sankt-Peterburg: Tipografiya V.V. Komarova, 1881. [Online]. URL: http://militera.lib.ru/memo/russian/ uzhakov_yd/index.html ((date of access: 07.11.2020)

11. Pavlov, N. (1910) *Istoriya Turkestana. V svyazi s kratkim istoricheskim ocherkom sopredel'nyh stran* [History Of Turkestan. In connection with a brief historical sketch of neighboring countries]. Tashkent: Tipografiya pri kancelyarii Turkestanskogo General-Gubernatora.

12. Romanovskij, D.I.(1968) *Zametki po Sredne-aziatskomu voprosu* (S prilozheniyami i kartoyu Turkestanskogo general-gubernatorstva) [Notes on the Central Asian issue. (With appendices and a map of the Turkestan General government)]. Sankt-Peterburg: Tipografiya Vtorogo otdeleniya Sobstvennoj ego imperatorskogo velichestva kancelyarii.

13. Urinboev, A., Buriyev, O. (1983) Toshkent Muhammad Solih tavsifida (XIX asr) [Tashkent in the description of Muhammad Salih (XIX century)]. Ташкент: Фан.

14. Geyns, A.K. (1898). Upravlenie Tashkentom pri kokandskom vladychestve. (Kak harakteristika administracii sredneaziatskih gorodov). [Administration of Tashkent under the Kokand rule. (As a characteristic of the administration of Central Asian cities)]. *Sobranie literaturnyh trudov*. Vol. II. Sankt - Peterburg.

15. Dobrosmyslov, A.I. (1912) *Tashkent v proshlom i nastoyashchem. Istoricheskij ocherk* [Tashkent in the past and in the present. Historical essay]. Tashkent: Ellektro-parovaya tipolitografiya O.A.Porcev.

16. Muhamedov, Sh.B. (2019) Osobennosti zemlevladeniya i vodopol'zovaniya v Srednej Azii i Alzhire v XIX v [Features of land ownership and water use in Central Asia and Algeria in the XIX century]. *Metamorfozy istorii.* No 13. Pp. 107–124.

17. Naselenie, dohody i raskhody Turkestanskoj oblasti (1867) [Population, income and expenses of the Turkestan region]. *Sovremennaya Letopis'.* Vol.1. No 24. Pp. 1999-2003.

18. NA of Uz. Fund – I.1, List-14, Folding Volume -578, P.2.

19. NA of Uz. Fund – I.1, List-14, Folding Volume - 216, P.23.

20. NA of Uz, Fund – I.1, List-1, Folding Volume -1324. Pravila ob irrigasii Turkestanskogo kraya [Rules on irrigation in the Turkestan region].

21. NA of Uz. Fund – I.1, List-14, Folding Volume -578, P.3.

22. NA of Uz. Fund – I.36, List-1, Folding Volume - 1822. Pravila ob irrigasii Turkestanskogo kraya [Rules on irrigation in the Turkestan region].

23. NA of Uz. Fund – I.36, List-1, Folding Volume - 1822, P.6.

24. NA of Uz. Fund – I.36, List-1, Folding Volume - 1822, P.8.

Муаллиф ҳақида маълумот:

Зарипов Одил Олимжонович – Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси тарих институти таянч докторанти. E-mail: baqtria@gmail.com